

**МОЛИЯ БОЗОРИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ  
(МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ МИСОЛИДА)**

**Фурқатов Фаррух**

*Банк молия академияси магистранти*

**Аннотация:** *Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, замонавий жамиятда ҳаётнинг турли соҳаларини ахборотлаштириш даражаси билан пул ҳисоб-китоб ва офсетларни пулдан фойдаланмасдан ўтказиш учун кўплаб янги техник имкониятлар мавжуд. Замонавий шароитларда тижорат банклари шунчаки замон билан ҳамнафас бўлиб, mijozларга электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш билан боғлиқ такомиллаштирилган банк хизматларини кўрсатишлари шарт.*

**Калит сўзлар:** *Банк, банк хизматлари, рақамли технологиялар, техник имкониятлар, масофавий хизматлар, электрон тўловлар*

**IMPLEMENTATION OF DIGITAL TECHNOLOGIES IN THE FINANCIAL MARKET (AS AN  
EXAMPLE OF REMOTE BANKING SERVICES)**

**Abstract:** *With the modern scientific and technical development, the level of informatization of various spheres of life in the modern society, there are many new technical possibilities for the transfer of money calculations and offsets without the use of money. In modern conditions, commercial banks simply have to keep up with the times and provide customers with improved banking services related to the use of electronic payment systems.*

**Keywords:** *Bank, banking services, digital technologies, technical capabilities, remote services, electronic payments*

**КИРИШ**

Масофавий хизматлар бозори ҳақида гап кетганда, мамлакатимизда уни ривожлантириш ва мавжуд шарт-шароитларни янада такомиллаштириш чоралари кўриляётгани хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Сир эмас, бугун диёримизда ахборот-коммуникация технологияларини тараққий эттиришга, электрон тижоратни амалиётда дадил қўллашга имкон берувчи меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилган. “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон имзолар тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Ахборот хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани бунинг ёрқин исботи бўла олади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ушбу мавзунини тадқиқ этиш борасида таниқли иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг назарий, амалий ҳамда методологик муаммоларга бағишланган илмий асарлари мавжуд. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг жорий қилиниши, уларни амалиётга татбиқ қилиш ва ривожлантиришнинг бир қатор назарий-услубий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М.Е.Агву, Ж.Амброс, Ж.Андерсон, Р.М.Бопфас, Г.Брайан, Р.Бусе, Ж.Ф.Девлин, Д.Джентле, Х.Дуглас, А.Л.Картер, Т.Б.Кларк, Т.Лаукканен, П.Молхотра, К.Петрова, Т.Рамаях, И.Роуз, Б.Синг, Дж.Синки, Р.Тивари, Ч.Чангит, Ч.Чучуен.

МДХ мамлакатлари иқсодчи олимларидан А.И.Жуков, А.Н.Иванов, Т.Ю.Вострухина, А.В.Муравьева, АЛ.Долгушина, Н.Л.Полтораднева, В.Белоусова, Н.Чичканов, Т.К.Медведская, О.А.Гаврилова, А.А.Сергеенкова, А.А.Тимкова, П.В.Ревенков, К.А.Шубин, В.К.Спильниченко, Н.И.Лиходеева, К.А.Забродиская, А.О.Захарова, Ю.А.Корниловаларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Тижорат банкларида банк хизматлари, банк хизматлари бозорида маркетинг, молиявий хизматлар турлари, уяли алоқа хизматлари, интернет тизими, ахборот тизимлари ва технологиялари борасидаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Ғуломов С.С, Ш.З.Абдуллаева, Д.А.Рахмонов, И.Р.Тоймухамедов, З.А.Умаров, Г.Хусаинов, Х.У.Рахимова, О.А.Ортитов, О.Ф.Алиқориев, М.М.Абдурахмонова, Ф.С.Агзамов, Б.К.Мирзамайтинов, З.Я.Рахманов, Г.А.Бекмуродоваларнинг илмий ишларида узифодасини топган.

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Юртимиз банк банк тизимида масофавий банк хизматларидан ривожлантириш хусусан Интернет-банкнинг жорий қилишда илк бора 2007 йил 1 мартдан бошлаб АИТБ “Ипак йўли” банк томонидан урганилиб амалга оширилди. Унга кўра “Ипак йўли online” бутун жаҳон вэб тизимига уланиш орқали мижозлар ўзларига тегишли бўлган депозит колдикларини ва ҳисобларида бир неча хил банк операцияларини амалга ошириш имконига эга бўлишган эди. Бундан аввалроқ бу хизматдан фақатгина юридик шахс мақомидаги мижозларга фойдаланишга тўхталган бўлсада бугунги кунга келиб, бу хизмат тури жисмоний шахслар ҳам бу хизматдан кенг фойдаланиб келмоқда. АИТБ “Ипак йўли” банкида 2007 йилнинг бошида Интернет-банкнинг хизматидан фойдаланаётган мижозлар сони 60 нафар эди, лекин йил охирига келиб 550 нафарга етди. 2019 йил 1 январь ҳолатига келиб 141865 та мижозлар бу хизмат туридан фаол фойдаланаётгани қайд этиш мумкин. Иккинчи бўлиб, Интернет-банкнинг хизматини мижозларига таклиф этган банк сифатида “Invest Finance Bank” АТБ молия бозорида ўзининг фаоллигини кўрсата бошлади. Бу албатта, ушбу банкнинг инновацион ёндашуви билан замонавий технологиялар асосида янги банк хизматлари орқали мижозларига бир қанча қулайликлар яратди. Учинчи бўлиб эса “Трастбанк” ХАБ ушбу хизмат туридан фойдаланишни йўлга қўйди ва бу банк Ўзбекистонда илк бора Интернет-банкнинг хизматидан фойдаланиш бўйича тақдимот

қилган ва мижозлар учун банк мутахассисларидан саволларига онлайн ёрдам жавоб олиш каби интерактив хизматни йўлга қўйган ягона банк сифатида намоён бўлди. Сўнгра “ҚДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти янги хизматни мижозларига таклиф этган ҳолда ўз веб сайтыда жойлаштирган бўлса, бироз вақт ўтгач Ўзбекистон Республикаси АТ Халқ банки ҳам масофавий банк хизматини мижозларига таклиф қилди. Бу эса банк мижозларининг бу каби хизмат турига эҳтиёжи ортиб бораётганлигидан далолат берарди. Кейинчалик масофавий банк хизматлари республикамиз тижорат банклари орасида ривожланиб, хизмат турларини мижозларга кенг тақдим эта бошлади. Ўзбекистон банк тизимида жисмоний шахсларга Интернет-банкнинг хизматини дастлаб собиқ “Самарқанд” АТБ таклиф этган эди. 2009 йилнинг май ойида ушбу банк sam.online деб номланган интернетдаги янги хизмат турини тақдим этди. Унинг мижозлари масофадан туриб, уяли ва шаҳар телефон алоқалари, интернет провайдерлар хизматлари, коммунал хизматлари учун ҳақ тўлашлари, интернет-дўконлардан харидлар қилишлари, маблағларни юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишлари, банкка молиявий ҳужжатлар жўнатиш ва ҳисоб рақамларидаги маблағлар айланмаси тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин бўлди. Шунингдек, банкда масофадан туриб, банк депозитларини танлаш ва уларга маблағларни жойлаштириш имконияти мавжуд. Мобил-банкнинг хизматини ишга туширишда ҳам “Самарқанд” АТБ биринчилардан бўлди. Банк мижозлари мобиль телефонлари орқали уяли алоқа ва интернет провайдерлар хизматлари учун пул тўлаш имкони яратилди. Мамлакатимиз банк тизимининг ривожланишида албатта электрон тўлов тизимининг ривожланиши муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда тижорат банклари томонидан аҳолига “Банк-мижоз” дастури, “мобил банкнинг”, “интернет банкнинг”, “СМС банкнинг” ва ташқи ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи қурилмалардан яъни, банкомат, инфокиоск ва терминаллар каби масофадан бошқарилувчи хизмат турлари кўрсатилиб келинмоқда. Ушбу хизмат турларидан фойдаланувчилар сони ҳам йилдан-йилга ортмоқда.

2012 йилда интернет банкнинг хизматидан фойдаланувчилар сони 14 минг 241 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда 217 минг 123 тага етди SMS-банкнинг ва мобил банкнинг фойдаланувчилар сони 2018 йилда 3 млн. 733 мингдан ортиқ, 2015 йилга нисбатан бир неча баробарга ошган. 2018 йил

банк ҳисобварақаларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар орасида 100 минг аҳолини 422 тасига “Мобил-банкнинг” ва “SMS-банкнинг” хизматларидан фойдаланса, 100 минг аҳолини 5935 таси “Интернет-банкнинг” ва “Банк-мижоз” дастурий мажмуалари хизматидан фойдаланади.

Бугунги кунда мижозларининг банк муассасаларига бўлган талаб ва истаклари анча ўзгарган бўлиб, улар ўзини қаноатлантирмаган молия муассаси хизматларидан бир зумда воз кечиб, бошқа бир банк хизматларидан фойдаланиш имконига эга

бўлаётганини унутмаслик лозим. Шу боис, ҳозир мижоз учун курашда тезкор ва қулайроқ хизматларни амалга ошираётган тижорат банки ютмоқда.

Шундай экан, ушбу жараёнда масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимининг аҳамияти кўзга ташланади. Чунки, қайсики банкда масофадан туриб хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган бўлса, бу мижоз томонидан ушбу банкка бўлган эътиборнинг кучайишига олиб келади.

Шу ўринда масофавий банк хизмати (МБХ) тушунчасига қисқача таъриф бериб кетиш жоиз бўлса, бу тизим махсус дастурлар мажмуаси ёрдамида мижоз ҳисоб рақамидан банкка келиб ўтирмай фойдаланиш имкониятини беришини таъкидлаш лозим.

Ушбу хизматдан банк мижози Интернетга уланган компьютер ёки ноутбук ҳамда мобил телефони орқали фойдаланиши мумкин. МБХ тизими Интернет-банкнинг, Мобил-банкнинг ва СМС-банкнинг каби турли хизматларни ўз ичига олади.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси асосида тўпланган статистик маълумотларга кўра, банк амалиётларининг 80 фоизидан кўпроғини инсон ўз уйида ёки офисида ўтирган ҳолда компьютер ёрдамида ёки мобил телефон орқали амалга ошира олиши исботланган. Бунда банк ходимлари ва уларнинг мижозлари кўрадиган манфаат биринчи галда амалиёт жараёнининг кечикмаслиги (банкка ташриф буюриб, навбат кутиш асосида вақт йўқотилиши), яъни вақт тежалиши билан боғлиқ.

#### **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Ҳозирда “Банклар” томонидан масофавий банк хизматлари лойиҳаси доирасида мижозлар учун экспресс кредитлари ва овердрафт кўринишидаги online кредитлари таклиф этиш режалаштирилган. Ушбу хизматлар бўйича вақт чегараланмаган ҳолда кеча-кундуз фойдаланиш имконияти яратилган. Мисол учун, экспресс кредитлари маълум бир мақсадлар – маиший техника, мебел ва шу каби бошқа жиҳозларни сотиб олиш учун берилса, онлайн кредитлари чакана сарф-ҳаражатлар, картадан картага пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, уяли алоқа телефони хизмати учун пул ўтказиш, коммунал тўловларни амалга ошириш, ресторан ва бошқа хизмат кўрсатиш муассасалари ҳаражатларини қоплаш учун ажратилади. Кредитлар мижозларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги қолдиқ доирасида тақдим этилади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, мамлакатимизда ахборот технологиялари асосида ҳаётга татбиқ этилаётган замонавий банк хизматлари жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда ва бу масофавий банк хизматлари бозорининг такомиллашувига ҳам ўз ҳиссасини қўшиши табиий. Зеро, бундай жараёнлар ҳам банк, ҳам аҳоли манфаатларига бирдек хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун. 1995 йил.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун. 1996 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Алоқа тўғрисидаги Қонуни. 1993 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонун. 2003 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонун. 2003.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон хужжат айланиши тўғрисидаги»ги қонун. 2004 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонун. 2005.
8. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар Стратегияси, Тошкент. Ўзбекистон, 2017 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Т.: -Ўзбекистон, 2018 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Т.: -Ўзбекистон, 2017 йил.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолиятида замонавий ахбороткоммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш концепцияси. 2015 йил.